



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG‘I

20 22 yil “ 01 ” 03

№ 70

Toshkent sh.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида бюджет
харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва Комплаенс,
ички аудит ва молиявий назорат хизмати фаолиятини
такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги ПҚ-128-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини ошириш, бюджет қонунчилиги бузилишининг профилактикасини кучайтириш ва масофавий молиявий назоратни кенгайтириш, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат хизмати фаолиятини такомиллаштириш мақсадида,

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги ПҚ-128-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат хизмати биринчи навбатда қуйидаги йўналишларда бюджет қонунчилиги бузилишининг профилактикасига алоҳида эътибор қаратсин:

-тиббиёт муассасаларида бюджетдан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг тўғри ҳисобланиши;

-ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилган объектларда амалга оширилаётган қурилиш ишларини мониторинг қилиш ва уларда назорат тадбирларини ўтказиш;

-тиббиёт муассасалари тизими бюджетлардан тўланаётган субсидияларнинг манзиллигини ва самарадорлигини баҳолаш;

-вазирлик тизимида давлат харидларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини назорат қилиш;

-давлат қарзи ва грантлар ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳаларнинг натижадорлигини ўрганиш.

- Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат хизмати 2022 йилдан бошлаб назорат ишларининг йиллик дастурларини мазкур бандда назарда тутилган устувор йўналишларга мувофиқлаштирсин;

- вазирлик тиббиёт муассасаларида бюджет маблағлари бошқарилиши ва бюджет ҳисоби юритилишини махсус автоматлаштирилган дастурий маҳсулотлар воситасида доимий мониторинг қилиш;

-масофавий назоратни кенг қўламда қўллаш, замонавий ахборот технологиялари ва маълумотлар базаси воситасида текшириш объектлари ва мақсадларини аниқлаш йўли билан кам самарали тафтишларни қисқартириш билан бир вақтда вазирлик тасарруфидаги бюджет тиббиёт муассасаларини текшириш самарадорлигини ошириш.

3. 2022 йил Давлат бюджет харажатларининг самарадорлигини ошириш ҳамда молиявий назорат фаолиятини такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат хизмати бошлиғи (Р.Джуманов)га вазирликнинг барча бошқарма-бўлим бошлиқлари билан биргаликда иловада тасдиқланган “Йўл харитаси”да кўрсатиб ўтилган чоратадбирларнинг ижросини ўз вақтида амалга оширилишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



Б.Мусаев

Т/р	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизмлари	Амалга ошириш шакли	Муддати	Масъуллар
I. Давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш					
1.	Молия вазирлигининг марказий аппарати таркибида бюджет ташкилотларининг ички аудит хизмати билан ишлаш бошқармасини ташкил этиш.	Вазирлик тизимидаги ташкилотларнинг штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобидан 4 та штат бирлиги белгиланган тартибда Молия вазирлигига ўтказиш.	Белгиланган тартибда.	2022 йил март	Иқтисодийёт ва молия бош бошқармаси (С.Мақсудов) Кадрлар бошқармаси (Н.Кадиров) Юридик бошқарма (Ж.Ёқубов) Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат хизмати (Р.Джуманов)
II. Бюджет ташкилотларида иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва назоратини таъминлаш					
2.	Бирламчи тиббий-санитария муассасаларида ходимларига ойлик иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисобини автоматлаштириш.	1. Ахборот тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча техник топишиқ лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Лойиҳа-техник хужжатларни экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш.	Экспертиза хужжатлари.	2022 йил апрель 2022 йил май-июнь	Иқтисодийёт ва молия бош бошқармаси, (С.Мақсудов), IT Med МЧЖ (А.Хақимов)

	<p>3. Ахборот тизимини такомиллаштириш ва тегишли маълумотларни киритиш.</p> <p>4. Ахборот тизимларини технологик йўриқнома асосида ўзаро интеграция қилиш.</p> <p>5. Молия вазирлиги дастурий мажмуасида ходимларга ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни автомаглаштирилган тарзда ҳисоблашни босқичма-босқич жорий этиш.</p> <p>6. Чироқчи, Миришкор, Қўшработ туманларида ахборот тизимини синовдан ўтказиш.</p>	<p>2022 йил июль-сентябр</p> <p>2022 йил сентябр</p> <p>2023 йил январь</p> <p>2022 йил октябрь-декабрь</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар.</p> <p>Ахборот хати.</p>	<p>IT Med МЧЖ (А.Ҳақимов)</p> <p>Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси, (С.Мақсудов)</p> <p>Даволаш-профилактика ёрдами</p>
3.	<p>1. Бюджет ташкилотлари ходимларининг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақаларини электрон шаклда расмийлаштиришни таъминловчи ахборот тизимини жорий этиш.</p> <p>2. Тизимнинг Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва</p>	<p>2022 йил 1 ноябрь</p> <p>2022 йил 1 декабрь</p>	<p>Дастурий таъминотни такомиллаштириш.</p>	<p>IT Med МЧЖ (А.Ҳақимов)</p> <p>Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси, (С.Мақсудов)</p> <p>Даволаш-профилактика ёрдами</p>

	идораларнинг ахборот тизимлари билан ахборот алмашувини йўлга қўйиш. 3.Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоятида тажриба-синов тариқасида ахборот тизимини ишга тушириш.	Амалий чора-тадбирлар.	2022 йил 1 сентябрь	ташкиллаштириш бош бошқармаси (У.Рисқиев)
--	--	------------------------	---------------------	---